МДҲ раҳбарларининг Тошкентдаги олий даражадаги учрашуви

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 97 (21. 216) 1992 йил 16 май, шанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

УМИДБАХШ МУЗОКАРАЛАР

● Мустақил Ўзбекистон пойтахти — Тошкентдаги учрашув яхши тотувликнинг яна бир нишонаси сифатида тарих солномасидан жой олиши шубҳасиз.

*

● Учрашувда 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди, МДҲ фаолиятининг ҳаётий муҳим томонларига тааллуқли ҳужжатлар имзоланди.

● ТОШКЕНТ. 1992 йил 15 май. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви.

15 май куни Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарлари, бошлиқларининг учрашуви очилди. Унда МДҲга аъзо бўлган барча мустақил республикаларнинг делегациялари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов учрашувни очар экан, Олий даражадаги кенгаш арафасида умуман учрашув бўлишига шубҳа билдирилганлигини таъкидлади. Лекин биз бир стол атрофида ўтирибмиз, бу эса ҳар бир раҳбарнинг муштарак масалаларни ҳал этиш учун биргаликда куч сарфлаш зарурлигини чуқур англашидан далолат беради.

Ўзбекистон бошлиғи Тошкент учрашувининг ҳар бир қатнашчиси биз ҳозир нақадар қийин даврни бошимиздан кечираётганимизни яхши билади, деб таъкидлади. Тўпланганларнинг ҳаммаси Иттифоқнинг парчаланиш оқибатларини яхши англайдилар. Ҳар бир республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши чоғида, уларнинг бозор иқтисодиёти изига ўтиши пайтида катта муаммолар пайдо бўлмоқда. Миллий этник қарама-қарши туриш муаммолари ҳаммани ташвишга солмоқда, иқтисодий молиявий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ қийинчиликлар ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги пайтда қуролли кучлар, ҳамдўстлик хавфсизлиги энг муҳим масаладир. Масъулиятли сиёсатчилардан бирортаси ҳам инсоний ҳуқуқлар ҳолатига, демократия қоидаларини янада ривожлантиришга, фуқаролар эркинлиги ҳимоя этилишини таъминлашга бефарқ қарай олмайди.

Шу масалаларга ҳар бир мустақил давлат ўзи учун мақбул йўлни излаётганлигини тушунарли, деди И. Каримов. Республикалар мустақиллиги қарор топиши жадал жараёни давом этмоқда. Шу билан бир пайтда тарихий таркиб топган сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ва соф инсоний алоқаларни менсимасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўзаро алоқалар ва кўп томонлама мулоқот тажрибаси халқларни бойитади. Одамларнинг турмуш яхшиланишига умиди албатта ҳақиқатга айланади.

Тошкент МДҲ раҳбарлари учрашув жойи этиб танланганлиги тасодиф эмас. Тошкент ҳамиша тинчлик шаҳри сифатида яхши ном чиқарган. Европа ва Осиё йўллари серқатнов чорраҳасида жойлашган бу шаҳар халқ аро ҳамкорлик марказларидан бири сифатида ном чиқарган. Бизнинг учрашувимиз маълум маънода тарихга яхши тотувликнинг яна бир нишонаси сифатида кирса ажаб эмас, деди Ўзбекистон Президенти.

И. Каримов учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси халқи номидан табриклади. У Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевни кенгашга раислик қилувчи этиб сайлашни таклиф қилди. Бу таклифни учрашувнинг барча қатнашчилари маъқуллади.

Кун тартибига 13 та жуда муҳим масала киритилган. Уларнинг орасида энг муҳимлари — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик, ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш, космик ёрдамчи тузилмалари иншоотларидан космик дастурларни бажариш манфаатлари йўлида фойдаланиш ва уларни сақлаб туриш тартиби, шунингдек ягона бюджетни шакллантириш ва чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тартиби, собиқ СССР Қуролли Кучларини қисқартириш, айрим давлатлар миллий валюталарини жорий этган тақдирда ҳамдўстлик қатнашчилари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, коллектив хавфсизлик, мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ҳарбий кузатувчилар гуруҳлари ҳамда тинчликни сақлаш коллектив кучларининг мақоми масалаларидир.

Бундан ташқари собиқ СССРнинг даромадлари, қарзлари ва мол-мулки тўғрисидаги, собиқ СССР билан АҚШнинг оддий қурол-яроғларга доир шартномаси ҳақидаги ахборотлар тинглан ди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси бошланишидан олдин учрашув қатнашчилари Тожикистон халқи номига телеграмма матнини қабул қилдилар. Унда мустақил республиканинг бир қанча районларида юз берган табиий офат муносабати билан ҳамдардлик билдирилган. Кучли жала қуйиши, сел оқими натижасида кўп одамлар ҳалок бўлган, иморатлар вайрон бўлган. Телеграммада табиий офатдан зарар кўрган районларга ҳамдўстлик мамлакатлари ҳар томонлама ёрдам бериш таъкидланади.

Олий даражадаги Тошкент учрашуви қандай ўтди? Учрашувда ҳозир бўлган экспертларнинг фикрича, у Олмаота, Минск ва Киев учрашувларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Биринчи навбатда учрашув қатнашчиларининг келажакка ишончи билан ажралиб туради. Иш жўшқин давом этди ва тушгача ҳужжатларнинг катта қисми келишиб олинди ҳамда имзолашга тайёр қилинди. Бу эса раҳбарлар келишидан анча олдин Тошкентда иш бошлаган эксперт гуруҳларнинг самарали фаолиятидан дарак беради.

Кутилганидек, собиқ СССРнинг мол-мулкини тақсимлаш жуда қийин масала бўлиб чиқди. Бу хусусда ҳар бир делегациянинг ўз фикри бор эди. Шундай бўлиши қонунийдир. Раислик қилувчининг таклифига биноан бу муаммони муҳокама қилиш қолдирилди.

Икки мустақил давлат раҳбарлари Тошкент учрашувига бундай баҳо бердилар.

Б. Ельцин, Россия Президенти:

— Бу учрашувда мустақил республикалар ўртасида бир-бирларига яқинлашиш сари яна бир қадам қўйилишига ишончим комил. Бундан ташқари биз Тошкентга Россия билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани олиб келдик. Бундай шартномани имзолаш зарурати аллақачон етилган. Уни имзолаш кечикканлиги учун айб кўпроқ Россия зиммасига тушади. Яқин вақт ичида бу муҳим ҳужжат имзоланади, деб умид қиламан. Россия билан Ўзбекистонни асрий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари боғлаб турибди. Бундан буён ҳам муносабатларимиз ўзаро / манфаатдорлик негизида ривожланишига шубҳа йўқ.

Н. Назарбоев, Қозоғистон Президенти:

— МДҲ раҳбарларининг Тошкент учрашуви кўп жиҳатдан бурилиш нуқтасидир. Бу ерда ҳамдўстлигимизнинг ҳаётий муҳим масалалари ҳал қилинмоқда. Бу армияни пул билан таъминлаш, ягона ахборот макони, космос муаммоларидир. Бойқўнур космодроми Қозоғистон ҳудудида бўлишига қарамай, у ҳамдўстлигимиздаги барча давлатларнинг манфаатларига хизмат қилиши керак.

...Учрашувда кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлди. Мажлис қизғин ўтаётган бир пайтда, давлат бошлиқлари кенгашаётган залда бирдан қандиллар тебрана бошлади. Раҳбарлар ҳайрон бўлиб қолишди. Шу пайт И. Каримов ўзини жуда хотиржам тутиб, бундай деди: «Бу кучсиз зилзила, холос. Биз ишлаётган бино зилзилага бардошли. Ишни давом эттирамиз!

Бинобарин иш давом эттирилди. Тушга яқин ҳукумат бошлиқлари давлат бошлиқларидан алоҳида равишда кенгаш ўтказдилар. Улар ҳарбий мавзуга, иқтисодий алоқалар ва экологияга таллуқли масалаларнинг бутун бир мажмуини муҳокама қилдилар. Уларнинг эътибори Орол, Чернобиль, Каспий ва Спитак муаммоларига қаратилган эди.

Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида учрашув чоғида келишиб олинган ҳужжатлар имзоланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
В. ДРАЧЕВ,
Л. ЛЕВИН,
Ў. МИРЗАЕРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

● Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари МДҲ раҳбарларининг Тошкент учрашувида.

Суратларни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири В. МОЛГАЧЕВ олган.

МДҲ раҳбарларининг журналистлар билан учрашуви

МДҲ мустақил давлатлари раҳбарлари 15 май куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида турли оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашдилар.

Учрашувни кенгашга раислик қилган Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев очди. У МДҲ раҳбарларининг Тошкентдаги кенгаши жуда самарали бўлганлигини таъкидлади. 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида молия, ҳаво бўшлиғи, космик тадқиқотлар, қуролли кучлар тўғрисида келишиб олинган ҳужжатлар бор.

Ҳукумат бошлиқларининг кенгашида иқтисодиётга, армияга ва экологияга даҳлли 18 масала кўриб чиқилди.

Ҳамдўстликдаги мустақил давлатларнинг раҳбарлари журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтариб, Тошкент учрашуви амалий ва бунёдкорлик руҳида ўтганлигини таъкидладилар. Учрашув узоқ баҳсларсиз ва жиддий тортишувларсиз тез ўтганига қарамай, МДҲ фаолиятининг ҳаётий муҳим томонларига тааллуқли бир қанча жуда аҳамиятли ҳужжатлар имзоланди.

Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентлари таъкидлаб ўтганларидек, бунинг сабаби Тошкент учрашувига яхши тайёргарлик кўрилганлигидир. Турли йўналишларга оид экспертларнинг тайёргарлик ишлари тажрибаси ўзини тўла оқлади ва бу тажрибадан келгусида ҳам фойдаланиш зарур. Пухта текширилган ҳужжатлар, аниқ фикрлар давлат бошлиқлари учрашувида иккинчи даражали масалаларга ўрин қолдирмади.

Журналистлар билан учрашувда таъкидланганидек, МДҲнинг умри тугагани йўқ. У шунчаки амал қилиб қолмаяпти, балки ривожланиб бормоқда. Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви июль ойида Москвада ўтиши эълон қилинди.

(ЎзА).

ИЖАРАЧИЛАР УЮШМАСИ СЪЕЗДИ

15 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ижарачилар уюшмасининг биринчи съезди бўлди. Унда корхоналарнинг раҳбарлари, иқтисодчилар, ижарачилар қатнашдилар.

Уюшманинг таъсис съездидан кейин ўтган икки йил ичида республикада ижара корхоналари сони кўпайиб, ҳозир икки мингтага етди. Жамоалар ижарага ўтгач, анча унумли ишлаётганликлари, одамларда меҳнат қилиш учун қудратли омил пайдо бўлаётганлиги таъкидланди. Масалан, Тошкент Бош қурилиш бошқармасига қарашли иккинчи тажриба—синаб кўриш механика заводи қисқа муддатда 2 миллион сўмлик қарздан қутулди. «Қурилиш транспорти» автокорхонаси ижарачи жамоаси ҳаражатларни қисқартиришда юқори кўрсаткичларга эришди, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ремонт—қурилиш бошқармаси ижарага ўтгач, икки йил ичида асосий фондни бутунлай сотиб олди ва энди у жамоа корхонасига айланди.

Шу билан бир вақтда ижарачилар йўлида тўсиқлар кўп, дейишди съезд қатнашчилари. Ижарачилар ҳуқуқий базаси эндигина вужудга келаётганлиги ҳам, вазирликлар, идоралар, айрим корхоналардаги бошқарувчи ходимларнинг қуйи бўғинларга эркинлик беришни истамаётганликлари ҳам ана шундай тўсиқлардир. Съезд делегатлари уюшма бошқаруви шаънига танқидий мулоҳазаларни айтдилар, уюшма ижара ҳаракатини фаол ташвиқ қилиши, унинг аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаши ҳамда уларга ҳар томонлама ҳуқуқий ёрдам бериши, давлат, касаба уюшмалари, идоралари ва бошқа ташкилотларда ижарачиларнинг манфаатларини тағин ҳам қатъият билан ҳимоя қилиши лозимлигини таъкидладилар.

Съездда ижарачилар уюшмасининг президенти сайланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко уюшманинг Президенти бўлди...

(ЎзА мухбири).

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Қанотлари оқ, зангори ва яшил каптарнинг учиб кетаётган тасвири Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг рамзи бўлди. Ана шундай рамз ёшларнинг энг оммавий жамоат ташкилоти янги аъзолик билетларида тасвирланган, ҳозирнинг ўзидаёқ минглаб тошкентликлар шундай билетларни олдилар.

Ёшларнинг янгиланган Иттифоқи ўз ишини ҳар қандай сиёсийлаштиришдан воз кечди. Ҳозирги вақтда асосий вазифа — ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг янги иқтисодий шароитга ижтимоий кўникишига ёрдамлашишдан иборат.

(ЎзА мухбири).

ХДП: СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

Халқ ноибларн вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ноиблар республика Президентининг тавсиясига биноан илгари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган Э. Т. Турсуновга ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими қилиб сайлашгани тўғрисида бирмунча олдин хабар қилинганди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз С. Пўлатов Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг котиби Т. Агламовага бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.

— Таваддуд Тоҳировна, Жиззахда ҳам вилоят ҳокими ишлаяпти. Содир бўлаётган ҳар бир воқеа ва ҳодисаларни баъзилар демократик жараёнларнинг тезлашуви деб тушунса, айрим кишилар мустақилликнинг мустаҳкамланиши деб, яна бошқалар эса қайта қуришнинг, эҳтимолки, сўнгги босқичлари деб билмоқдалар. Республикамиз шаҳар ва районларида, вилоятларида ҳоким сайлаш борасида, халқ ибораси билан айтганда, гарчи «поезд юриб кетган» бўлса ҳам кишилар қалбидаги шубҳа ва гумонлар тумани ҳали тарқалгани йўқ. Чунки кечагина партияни «якка ҳокимиятчиликда» айблаган эдик, бугун эса ҳокимиятни ундан олиб, ҳали демократик асосда бошқариш тизими яратишга улгурмасданоқ, уни яна ҳокимларга топширамиз. Буни қандай тушуниш мумкин? Яна ҳокимликдан тағин якка ҳокимликка ўтишми?

— Аввало, «ҳокимиятчилик» сўзи билан «якка ҳокимлик» сўзлари маъносининг ўртасида катта тафовут бор. Жумҳуриятда якка ҳоким йўқ, бироқ, айтиш мумкинки, якка жавобгар сиёсий майдонга чиқди. Вилоят, шаҳар ва районларимиз ўз минтақаларининг шарт-шароитлари, аҳолисининг турмуш тарзини яхши биладиган ва ўша шарт-шароитлардан келиб чиқиб, иш юрита оладиган ўз ҳокимларига ўз тақдирларининг жавобгарларига эга бўлишди.

— Ахир, биз жамиятимиздаги барча иқтисодий ҳолатларни собиқ якка ҳокимиятчиликдаги маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан боғлаяпмиз-ку. Бугунги ҳокимликлар бошқарувининг аввалги маъмурий буйруқбозлик усули сақланиб қолишига замин яратмайдими?

— Йўқ. Биз бундан кейин ҳам якка ҳокимиятчилик ва маъмурий буйруқбозлик асосига қурилган жамият кишилар ишончини оқламаслиги тўғрисидаги ғояларимизга содиқ қолаверамиз. Бироқ энди гап — ҳокимнинг ўз ҳокимиятини парламент асосида қанчалик бошқара олишида қолган. Бугунги ҳокимият кечагисидан мана шуниси билан фарқ қилади.

— Таваддуд Тоҳировна, айрим кишилар орасида «Ҳоким сайланадими, тайинланадими?» деган саволлар тўғрилянти. Бундай олганда мана шу «икки томонлама амал қилиш»нинг ўзигина демократия ҳозирданоқ бузилаётганининг бир кўриниши эмсми?

— Ҳокимлар тайинланаётгани йўқ, вилоят Кенгашининг сессиясида депутатлар томонидан сайланяпти. Бироқ депутатларнинг тавсия қилинган кишини сайлашсайламаслик ҳуқуқлари ҳам сақланиб қолаётир.

— Агар шундай бўлса — яхши. Чунки кўплаб ривожланган мамлакатларда, масалан, Америкада ҳам губернатор, сенаторлар тайинланмайди, сайланади. Бироқ яна бир нарса бор — ким томонидан? Халқ сайлайдими, депутатларми?

— Сиз айтган даражада сайловларга тайёрмизми? Яширишга ҳожат йўқ, вилоятимизда бўлиб ўтган сайловга тайёргарлик қандай кечганига, агар эсингизда бўлса, Президент ҳам Тошкентдаги маҳалла қўмиталари раислари билан бўлган учрашувда рўй-рост танқидий баҳо берган эди. Бизда ҳали сайлов бошланмасиданоқ «Мени сайла-мени сайла»га ўтиб кетишди. Шунинг учун ҳам ҳозирча номзод кўрсатиш — Президентга, сайлаш эса депутатлар ҳукмига ҳавола этилгани маъқул эмасми?

Сайлаш — ихтиёрий. Агар сайланмаса, Президент номзодни ўзгартириши ҳам мумкин. Шунингдек, у муқобил тарзда ҳам сайловга қўйилиши мумкин. Вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари сайловини умумхалқ сайлови даражасига кўтариш керак. Бизда ҳали бунинг тартиб-қоидасини белгиловчи Низом ҳам ишлаб чиқилгани йўқ. Масалан, сайланган ҳоким ишончни оқласа — яхши, оқламаса ҳам то беш йилгача ўз «тахти»да ўтиравердими ёки кимдир уни муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқига эгами? Бу саволлар ҳам жавобини кутмоқда.

Иккинчидан, биз ҳаммамиз ҳокимга катта ҳуқуқларни бериб қўйдик. Бироқ бу унинг ҳуқуқлари чегараланмаган, деган гап эмас. Ҳаммадан катта ҳуқуққа эга бўлган шахс ҳаммадан кўп масъулиятга ҳам эга. Бироқ ҳозир ҳудди мана шу нарсани назорат қилувчи тизимнинг ўзи борми?

Ўйлайманки, бу иш ҳокимликка тавсия этган партиянинг ёки ҳоким мансуб бўлган партиянинг вазифаси бўлмоғи лозим. ХДПнинг Низомида президентликка номзод кўрсатишда «партиянинг сайловда иштироки тўғрисида» модда бор, худди шундай моддани ҳокимликка сайловлар тўғрисида ҳам киритиш керак. Ўшанда шаҳар, район ва вилоят ҳокимлари ўзлари қайси партияга аъзо бўлсалар, ўша партия олдида ҳисоб берадилар ва улар фаолияти ўша партиялар томонидан назорат қилиб борилади. Маслакдош ёки муқобил партиялар эса ҳамиша ҳушёрликка, тўғрилик ва адолатга чорлаб туради. Ўшанда халқ орасидаги турли сиёсий баҳс ва мунозаралар маданийлашиб, парламентга кўчади, парламент орқали таъсирини ўтказади.

— Жамиятда ўзгаришлар содир бўла бошлаганига етти йилдан ошди. Бироқ бу ўзгаришларнинг самараси салмоқли эмас. Ҳокимиятнинг қўлдан-қўлга ўтиши, раҳбарларнинг алмашиши тўхтамаяпти. Ҳар гал алмашганда бир умид қиламиз: ҳеч ким кутмаган бир киши «тахт»га ўтирса-ю, бир янгилик қилиб, халқни хушнуд этса. Бироқ... яна ўша эски раҳбар курсидан курсига ўрнини алмаштиради, ёки янги келгани ҳам эски оқимга қўшилиб кетади. Турмушимиз қачон яхши бўлади? Бу саволга ким томонидан ва қачон жавоб топилади.

— Назаримда, суҳбатимиз бошида берган саволингизга мана энди жавоб топгандай бўлдик. Кечаги кунимизда — кўп ҳокимиятчилик шароитида бу саволларга жавобни ҳар бири ўзича ҳоким бўлган қайси раҳбардан сўрардингиз? Ижроқўм раисиданми, кенгаш раисиданми, партияларданми? Ҳоким сайлаш зарурати ҳудди ана шундан келиб чиқди. Энди у бор, бу саволни тўғридан-тўғри ҳокимнинг ўзига беришингиз мумкин. Мен мухбирларимиздан яқин кунлар ичида ўзлари яшаётган жойлардаги ҳокимларга мурожаат этиб, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан уларнинг ҳоким сифатида қиладиган ишлари тўғрисида аҳолини хабардор қиладилар, деган умиддаман.

— Суҳбатингиз учун сизга ташаккур.

— Рўзномага чиқиш имконияти берилгани учун «Ўзбекистон овози» таҳририятига миннатдорчилик билдириш билан бирга, юқоридаги мулоҳазаларим бутун Халқ демократик партиясининг фикрини ифодалайди, деган даъводан йироқлигимни ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Зеро, демократия — бу фикрлар хилма-хиллиги билан демократия. Юрагимиздагини очиқ гапиришдан қачонгача ҳайиқамиз, ахир? Ва қолаверса, КПСС номини бадном қилган ҳам ҳудди мана шу — ошкоралик ва демократия йўлга қўйилмаганлигидан бўлмадими?

• НУҚТАИ НАЗАР •

ҲОКИМ САЙЛАНАДИМИ ЁКИ ТАЙИНЛАНАДИМИ?

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА

Вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбати мавзуи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида оммавий ахборот воситаларини давлат йўли билан муҳофаза қилишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига бағишланди. Давра суҳбатида қатнашган вилоят, шаҳар ва районлар газеталари муҳаррирлари Фармонни мамнунлик билан қўллаб-қувватлаб, ушбу газеталарда партия ташкилотлари, ташаббускор партия аъзоларининг фаолиятларини ёритишни янада яхшилаш, таҳририятлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистлар жамоаларини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан аниқ фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Ҳозирги вазиятдаги вазифалар, режалар кўлами пишиқтириб олинди.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САФАРБАРЛИК

Амударё райони деҳқонлари чигит ва бошқа экинларни барвақт экиб тугаллаган эдилар. Кўпчилик бригадаларнинг уруғ дастлабки экилган майдонларида ниҳоллар бир текис униб, ишлов бериш бошлаб юборилганди. Бироқ, 2 ва 3 май кунлари ҳарорат кескин пасайиб, экинларни совуқ уриб кетди. Район хўжаликларига жуда катта миқдорда моддий зарар етди, 7 минг гектардан кўпроқ ерда чигит ва шунингдек кўплаб дон ,озуқа экинлари, сабзавот, қовун-тарвузнинг кўп қисмини қайта экишга тўғри келди. «Хоразм» (собиқ «Партия XXII съезди») Охунбобоев номли, «Ленинизм», Крупская номли жамоа хўжаликларида, Қиличбой ҳудудидаги давлат хўжаликларида аксарият майдонларга чигит қайта экилди. Табиий офат хўжаликларга 19 миллион сўмликдан кўпроқ моддий зарар етказди. Бироқ, кўпчилик давлат ва жамоа хўжаликларида қайта экиш энди тамом бўлганида, 10 май куни кучли сел-ёмғир яна қўшимча қийинчиликларни юзага келтирди.

Халқимизда мард майдонда синалади, деган мақол бор. Ўзбекистон ХДП район кенгаши ва бошланғич ташкилотлари ҳудуддаги барча аҳолига мурожаат қилиб, уларни табиат офатига қарши курашга чақирди. Ҳаманинг ўрни далада, деб эълон қилинди. Ниҳолларнинг тагини юмшатиб, ҳар бир тупни соғлом ўстириш учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўлида кетмон, теша ушлашга қодир деҳқон борки, ҳозир пахта далаларида. ХДП аъзолари район партия кенгаши ва бошланғич ташкилотлар мурожаатига жавобан ким қаерда ва қандай касбда ишлаётганидан қатъи назар ўзларини сафарбар деб эълон қилиб, эртадан кечгача ниҳолларнинг тагини юмшатиб, озиқлантирмоқдалар. Улар бу ишда бошқаларга намуна кўрсатаётирлар. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари далада ишлаётганлар учун барча зарур шароитларни яратиб беришни ўз оталиқларига олдилар. Дала шийпонлари пешинда деҳқонларнинг яхши дам олиб, овқатланишлари учун қайта жиҳозланди. Бу ерда арзон нархда иссиқ овқат тайёрланмоқда.

Албатта, бу қийинчиликлар Амударё райони ҳудудларида биринчи марта содир бўлётгани йўқ. Ҳар йилнинг ўзига яраша ташвиши, машаққатлари бўлиб турибди. Аммо, бир йилнинг қийинчилиги иккинчи йилнинг машаққатларига сира ҳам ўхшамайди. Шу сабабли хўжаликларнинг раҳбарияти содир бўлаётган қийинчиликларга ўзига хос тарзда ёндашиб иш олиб боришга мажбур бўлмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари ва ХДП аъзолари эса ҳар қандай шароитда ҳам бу йил камида 50 минг тонна пахта, режадагига яраша гўшт, сут, тухум, сабзавот ва бошқа хил маҳсулотлр етиштириш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАБИИЙ ОФАТ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА

ТАДБИРЛАР КЎРИЛЯПТИ

Қашқадарё вилоятининг тоғолди Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Деҳқонобод районларида 14 май куни кучли ёғингарчилик рўй берди.

Шаҳрисабз шаҳри ва районидаги колхоз-совхозларда яшовчи аҳоли табиий офатдан катта талофат кўрди. Жумладан, Шаҳрисабз районида 269 хонадон, Яккабоғ районида 450 хонадон селдан зарарланди.

Гидрометеорологларнинг маълумотига қараганда, 36 минут давомида ёққан дўл Деҳқонобод районида 32 миллиметрни, Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз районларида 35 миллиметрни ташкил этди. Чимқўрғон сув омборига бир неча соат давомида секундига 186 куб метрдан сув келиб тушди. Ҳавзалар очиб қўйилди. Қашқадарё ҳам пишқириб оқа бошлади. Бу қўриқ Муборак райони хўжаликларига жиддий зиён етказиши мумкин эди. Шу боис зарур чоралар кўрилди.

— Рўй берган табиий офат оқибатларини тугатиш учун вилоятда ва районларда шошилинч чоралар кўрилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлими мудири М. Эшонқулов. — Одамларимиз бундай офатларга бардошли. Меҳр-оқибатли кишилар талофат кўрган оилаларни ўз бағриларига чорлашяпти. Ҳозир вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Маҳмудов раислигидаги табиий офатни бартараф этиш фавқулодда комиссияси дастлабки тадбирларни амалга оширмоқда. Кўприклар, йўллар тикланмоқда. Умумий сафарбарлик эълон қилинди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фарғона вилояти деҳқонлари ёғингарчиликлар туфайли шикастланган боғ ва узумзорларга ишлов бериб, ҳосилни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Фарғона районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида табиий офат оқибатида 100 гектар ерга чигитни қайта экишга тўғри келмоқда. Омон қолган ниҳоллар эса меҳр билан парваришланмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжалик участка бошлиғи Муҳаммаджон Низомов. 2. Ғўзаларга ишлов бериш пайти.

Ш. ОЛИМОВ олган суратлар. (ЎзА).

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

ТОШКЕНТДА ЯПОНИЯ ВАКОЛАТХОНАСИ

● «Мицуи Буссан» корпорацияси Японияда энг катта ташкилотлардан бири. Ҳозирги вақтда Москва, Хабаровск ва Владивосток шаҳарларида унинг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Компаниянинг Токиодаги қароргоҳи хабарига кўра яқин вақтлар ичида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида яна иккита ваколатхонани очиш мўлжалланмоқда. Бу ваколатхоналар Екатеринбург ва Тошкент шаҳарларида очиш режалаштирилянти.

АФҒОНИСТОНГА САФАР

● Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев Афғонистонда бўлди.

Вазир Афғонистон мужоҳидлари ўтиш даври кенгаши бошлиғи Сегбатулло Мўжадедди билан суҳбатлашди. Мулоқот давомида кўп масалалар атрофлича тилга олиниб, муҳокама этилди.

Афғонистон ислом давлатига расмий ташриф якунлари юзасидан Россия — Афғонистон қўшма декларацияси қабул қилинди.

НАЗАРБОЕВ АМЕРИКАГА БОРАДИ

● Оқ уй матбуот бўлими хабарига кўра Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев АҚШга боради. Ташриф 19 май куни бошланади.

АҚШ Президенти Жорж Буш Қозоғистон президентини Оқ уйда қабул қилади, Америка—Қозоғистон икки томонлама муносабатлари масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ТЎХТАТИЛСИН

● Босния ва Герцеговина пойтахти — Сараеводаги жанглар пайшанба куни эрта тонгдан яна бошланган. Шаҳар, маҳаллаларга зиён етказилган.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши бўлиб ўтган маслаҳатлашувларда шу ердаги аҳволга оид қарор лойиҳасини муҳокама қилди. Кенгаш барча томонларга мурожаат этиб, жанговар ҳаракатларни дарҳол тўхтатишга, ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шу йил 12 апрель битимини тўла ҳажмда бажаришга даъват этилади.

ҚЎШМА САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИ

● Америка пойтахтида жойлашган Америка — Туркия дўстлик кенгашининг президенти Фред Хайнс журналистлар билан учрашди.

У Америка билан Туркиянинг қўшма савдо делегацияси яқин вақт ичида собиқ СССРнинг Ўрта Осиёдаги бешта жумҳуриятига боришини маълум қилди.

Дўстлик кенгашининг минг нафардан зиёд аъзоси бор. Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Озарбайжонга борадиган делегация таркибида 40 дан зиёд компания вакиллари бор.

ҲАЙРАТОМУЗ ШОВ-ШУВ ТАСДИҚЛАНМАДИ

● Шундай қилиб, ҳайратомуз шов-шув тасдиқланмади. Собиқ СССРнинг президенти Михаил Горбачев АҚШнинг Флорида штатида ҳовли сотиб олади, деган хабар тарқалган эди.

Горбачев Фонди матбуот хизмати ходими қуйидагиларни айтган: М. Горбачевда бундай режа бўлмаган, шов-шувли гап эса ҳақиқатга тўғри келмайди. Америкага ташриф давомида тўпиладиган маблағнинг бир қисми Фондининг ўзига ишлатилса, бошқа қисми эса болалар шифохоналари учун дори-дармон ҳамда жиҳозлар сотиб олиш учун сарфланади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзнома хабарлари асосида тайёрланди).

• ЮЗМА—ЮЗ МУЛОҚОТ •

ЙЎЛОВЧИНИНГ АЙБИ САФАРГА ЧИҚҚАНИМИ?

Ҳаётимиз муаммоларга тўлиб бораётганидан ташвишланаётганлар оз эмас. Темир йўл, ҳаво йўллари ҳақи қимматлашиб бораётгани ҳаммасидан ўтиб тушди. Тўғри, ўтиш даврида муаммолар туғилиши табиий. Лекин... ҳар нарсада ҳам меъёр, чек, чегара бўлгани яхши. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Виктор Михайлович ЖЕЛТОУХОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— Йўловчилар орасида яқин кунларда поездларда юриш учун патталар нархи ортармиш, деган гап юрибди.

— Афсуски, йўловчилар ҳақ бўлиб чиқиши мени ҳам ташвишлантиради. Нималож, Кундан-кунга темир йўлдаги харажатлар ортиб бормоқда. Мулоҳазалар кўп. Яқинда Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи барча темир йўллар бошқармалари бошлиқлари йиғилишиб, бир қарорга келдик. Таклифларимизни, яъни патталар нархи икки баравар оширилишини республикалар раҳбарлари эътиборига ҳавола этмоқчимиз. Агар улар бизнинг таклифларимизни маъқулласалар, қанчалик оғир бўлмасин, бу тадбирни амалга оширишга мажбурмиз .

— Демак, патта нархи ошиши аниқ. Лекин йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти даражасининг пастлиги ҳақидаги эътирозларга дуч келяпмизки, бу ҳақда ўйламасдан иложимиз йўқ. Масалан, 59-рақамли «Андижон—Тошкент» тезюрар поезди бир неча ойдан бери Тошкент вақти билан эрта тонгги тўртда республика пойтахтига етиб келади. Поезддан тушган мингдан ортиқ йўловчи манзилига етиб олиш учун оворан сарсон бўлмоқда.

— Сиз ҳақсиз, ўнлаб, юзлаб эмас, балки минглаб йўловчилар эрта тонгда автобус, трамвай, троллейбуслар йўқлигидан, таксиларнинг нархи баландлиги сабабли шаҳарнинг умумий фойдаланишдаги транспорти қатнови бошланишини пойлашга мажбур бўлишмоқда. Соатлаб вокзалда қолиб кетишяпти. Бу ҳақда бизга ҳам шикоятлар келиб турибди. Фақат 59-поезд эмас, балки 157-«Андижон — Наманган — Тошкент» поезди ҳам жуда эрта келади.

Бу ҳақда ҳам йўловчилар шикоят қилишмоқда.

Нархи баланд бўлгандан кейин шароити тузукроқ бўлиши керак, албатта. Сиз айтгандай, бу темирйўлчиларга боғлиқ. Шуларни эътиборга оляпмиз. Кеч бўлса ҳам поездлар қатнови жадвалига ўзгартишлар киритиш ҳақида ўйлайяпмиз. Бу ишни вақтида пайқай олмаганимиз учун, албатта, йўловчилардан ҳижолатдамиз. Ишонтириб айтаманки, 31 майдан бошлаб «Андижон-Тошкент» тезюрар поезди 15 минути кам еттида республика пойтахтида бўлади.

— Йўловчилар яна икки ҳафта сарсон бўлишар эканда?

— Қатнов жадвалларига ўзгартиш киритиш учун ҳисоб-китоблар бир мунча вақт талаб этади. Кеч бўлса-да, хатони тузатяпмизку?!

— Яна бир муаммо бор. Бунисн сал нозикроқ. 59-поездда Тошкентдан жўновчиларга купе вагони учун бир дона патта нархи 60 сўм, Андижондан пойтахтга эса шундай жойга бир дона патта нархи 48 сўм белгиланган. Бу ҳол 16 мартдан бери давом этиб келмоқда. Ҳайратланарли эмасми?

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Белгиланган тартиб бўйича у томонга ҳам, бу томонга ҳам патта нархи бир хил. Ҳозир мутасаддиларни ҳузуримизга чақирамиз, аниқлаймиз... (Аниқлашга унча кўп вақт кетмади). Мана, аниқлаб ҳам олдик. Сиз ҳақ.

Айрим масъул ходимларимизнинг ишга ўта бепарволиги ва совуққонлиги оқибатида шу йилнинг 15 мартидан буён ҳақиқатан патталар нархида 12 сўм фарқ ҳукм суриб келган. Темир йўлга етказилган бу катта зарар учун хизмат терговини ўтказиб, айбдорларни қаттиқ жазолаймиз. Фарғона темир йўл бўлинмасига қатъий топшириқ берилади. Ўртадаги фарқ тезкорлик билан бартараф этилади.

— Фурсатдан фойдаланиб, айрим масалаларга аниқлик киритишда ёрдам беришингизни сўраймиз. Тошкентнинг «Жанубий» вокзалида осиб қўйилган соат фақат Москва вақтини кўрсатмоқда. Маълумот олиш учун ўша ерда бир сўм тўласангиз жавоб беришади. Айбга буюрмайсиз, ҳужатхоналарнинг ҳаммаси пулли. Ҳеч бўлмаса йўловчиларга бу борада озгина ёрдам қўлини чўзсак, ўринли таъналарга чек қўйилган бўлармиди?

— Яна айтаман, сиз ҳақ бўлиб чиқяпсиз. Тез кунларда бутун вилоятлар ва пойтахтдаги вокзалларга иккитадан соат ўрнатамиз. Бирининг тагига давлат тили — ўзбекча қилиб «Тошкент вақти», иккинчисига эса мустақил республикаларо ўзаро мулоқот тили—русчада, «Московская время», деб ёзиб қўйилади.

Маълумот олиш масаласига келсак, барча вокзаллар бошлиқларининг навбатчи ёрдамчилари йўловчиларга бепул маълумот бериш учун бурчли. Ҳужатхонани тартибга келтириб, бепули доимий ишлаши қаттиқ назоратга олинади.

— Суҳбатимизни камчиликлардан бошладик. Аммо яхши ишлару, сизларни боши берк кўчага етаклаётган жумбоқлар ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз!

— Маълумки, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси Тожикистон, Қирғизистоннинг иккита вилояти, Қозоғистоннинг айрим районларида ҳам ўз тармоқларига эга. Нарх-навонинг осмонга кўтарилиши катта қийинчиликлар туғдирянти. Шу жумладан, электр энергияси, яна бир ёқда дизель ёнилғиси нархининг қимматлашуви — буларнинг ҳаммаси бизнинг ишимизга, йўловчиларга хизмат кўрсатишга таъсир қиляпти, албатта.

Қаранг, Германияда ишлаб чиқарилган бир вагон ўтган йили бир неча минг сўм турган бўлса, ҳозир 750 минг доллар баҳоланмоқда. Бизнинг сўмга айлантирсангиз, ваҳимали миллионлар пайдо бўлади. Устигаустак ҳар куни вагонларнинг юзлаб ойналари безорилар томонидан синдирилмоқда. Буни кўриб юрагинг ачишади. Айрим мисолларни келтирдим, холос.

Хўш, зарарнинг ўрнини нима билан қоплаймиз? Шунга қарамай, сидқидилдан меҳнат қилаётган, нархи баланд патталар олганидан кўнгли ғаш йўловчиларнинг кайфиятини кўтариб, уларга самимий муомалада бўлаётган темирйўлчилар кўпчиликни ташкил қилади. Қолаверса, «Ўзбекистон овози» рўзномаси орқали (фурсатдан фойдаланиб) мурожаат қилиб, йўловчилардан темир йўл жиҳозларига, вагонларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишда бизга ёрдам беришларини сўрардим.

Безориларга нисбатан жарималар миқдори оширилди ва белгиланган жазо кучайтирилди. Афсуски, бундан биз кутганчалик наф ҳали келганича йўқ. Фақат умидимиз жамоатчиликдан, инсофли, диёнатли йўловчилардан. Темирйўлчилар эса йўловчиларга яна ҳам хушмуомала бўлишади, ўз вазифаларига масъулият билан қарашади, деб ишонтираман. Биз шунга ҳаракат қилаверамиз.

— Маврули келиб қолди, сўрамасак бўлмас. Шу кунгача Ўрта Осиё темир йўли бошқармасидан «Ўзбекистон овози» рўзномасида эълон қилинган танқидий мақолаларга давлат тилида жавоб берилмаётганлигидан хабарингиз борми?

— Йўқ. Бехабар қолибман. Биз давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш борасида катта ишлар қиляпмиз. 105 минг кишилик темирйўлчиларимиз байналмилалчилигини таъкидлаб ўтишни ҳоҳлардим. Албатта, уларнинг ярмига яқини ўзбек, бешдан бири рус, минглаб украин, тожик, қозоқ ва бошқа миллат вакилларини ташкил қилади.

Шунга қарамай, ҳозир барча патта сотувчилар, темир йўлда хизмат кўрсатувчилар, уларнинг бошлиқлари, поездларда хизмат кўрсатиш ходимлари икки тилда — ўзбек ва рус тилларида гаплаша олади. Газетага расмий жавоб масаласига келсак, қатъий тарзда бугундан эътиборан ўзбекча рўзноманинг ҳар бир чиқишига давлат тилида жавоб йўлланишини ходимлардан талаб қиламан.

Суҳбатдош:
Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғи камчиликларни тан олгани, тегишли мутасаддиларни ҳузурига чақириб аҳволни ўнглаб олиш юзасидан топшириқлар бергани яхши. Лекин «хўп-хўп» деган мутахассислар ваъдалари устидан чиқишармикин? Йўловчиларнинг умиди рўёбга чиқиши шунга боғлиқ. Рўзнома яна шу мавзуга қайтади.

• СПОРТ •

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА

● ОЛИМПИАДА. Барселонада бошланадиган олимпиада ўйинларининг футбол баҳси иштирокчилари ўртасида эртага қуръа ташланади. Халқаро футбол федерацияси президенти Ж. Авеланж иштирок этадиган бу йиғинда 16 футбол терма жамоасини тўрт гуруҳга бўлиш кўзда тутилган.

● ФУТБОЛ. Россия чемпионатида иштирок этаётган Владикавказ спартакчилари «Уралмаш» майдонида меҳмон бўлиб (1:1), 11 очко билан ўз гуруҳлари бўйича учинчи ўриндаги мавқеларини яхшилашди. Бу ўйинда ҳисобни пахтакорчи И. Шквирин очди.

● ЧИМ ХОККЕЙ. Янгибозор ва Гулистон шаҳарларида «Майсажон» совринни учун ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақа якунланди. Янгибозорда «Тошкент-1», Гулистонда Тошкент вилояти хоккейчилари ғалаба қозонишди.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

«Тошкент» сейсмостанцияси 15 май куни маҳаллий вақт билан соат 13дан 08 дақиқа ўтганда Ўзбекистон пойтахтида уч-тўрт балл куч билан зилзила бўлганини қайд этди. Зилзила маркази Андижон шаҳридан 30 — 40 километр шимоли-шарқда, Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарасидадир.

Зилзила марказида ерости силкиниши кучи 7 баллни ташкил этди. Андижонда зилзила кучи 6-6,5 балл, Ўшда — 6 балл, Фарғона ва Наманганда — 5-6 балл бўлди

Шикастланганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

(ЎзА мухбири).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ҲИММАТ СИЗДАН— ХИЗМАТ БИЗДАН

«Ўзбекистон овози»га 1992 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди

Бу тадбир рўзномамиз тарихида биринчи марта ўтказиляпти. Сабабини 13 май сонида ёздик. 1991 йилда ва шу йилнинг январь-февраль ойларида рўзномага эскича нархларда ёзилган муштарийларга унинг оқимини узмасдан обунани янгидан расмийлаштириш учун етарли вақт берилмоқда.

«Ўзбекистон овози»га қайта обуна барча алоқа бўлимларида, матбуот тарқатиш агентликларида қабул қилинади.

Меҳнат ва ўқув жамоасида, маҳаллада камида 200 та обуначилар рўзномага ёзилган фаоллар тақдирланади. Мукофотлар учун район матбуот тарқатиш уюшмаси тасдиқлаган маълумоти ва рўзномамизнинг тегишли вилоятдаги мухбири юборган тақдимнома асос бўлади.

Ҳа, қадрли муштарийлар, сиздан ҳиммат — биздан хизмат, ахборотларни вақтида етказишга ҳаракат қиламиз.

1992 йилнинг иккинчи ярми учун янги обуна нархлари
— 6 ойга 195 сўм
— 3 ойга 95 сўм
— 1 ойга 33 сўм

Рўзноманинг бир сони обуначига 1 сўм 50 тийиндан тушади.
Сотувга эса 2 сўмдан тушади.

«Ўзбекистон овози»нинг индекс рақами 64583.
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ, МУДДАТИ 10 ИЮНГАЧА!

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун

кундузги бўлимнинг 1 курсига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мелиорация ишларини механизациялаш, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.

ИНСТИТУТГА ҚИРУВЧИЛАР МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ихтисослари бўйича: биологиядан (оғзаки) ва кимёдан (оғзаки) танлов имтиҳонлари, ўзбек (рус) тилидан танловга қўшилмайдиган (ёзма) имтиҳон.

Гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация ишларини механизациялаш ихтисослари бўйича: математикадан (оғзаки) ва физикадан (оғзаки) танлов имтиҳонлари, ўзбек (рус) тилидан танловга қўшилмайдиган (ёзма) имтиҳон.

Агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ҳамда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили ихтисослари бўйича: математика (оғзаки) ва биологиядан (оғзаки) танлов имтиҳонлари, ўзбек (рус) тилидан танловга қўшилмайдиган (ёзма) имтиҳон.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирганлар ёки ўрта махсус ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло даражали шаҳодатнома билан битирганлар тегишли ихтисослар бўйича битта фандан кириш имтиҳони топширадилар: агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ихтисосларига биологиядан (оғзаки); гидромелиорация ва мелиорация ишларини механизациялаш ихтисосларига — физикадан (оғзаки); қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди ҳамда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили ихтисосларига — математикадан (оғзаки). Имтиҳондан «аъло» баҳо олганлар бошқа имтиҳонлардан озод қилиниб, институтга қабул қилинадилар. «Тўрт» ёки «уч» баҳо олган тақдирда улар қолган ҳамма имтиҳонларни топширадилар. Бу имтиёз ўрта маълумот асосида ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло даражали шаҳодатнома билан битирганлар фақат ўзлари эгаллаган касбларига мос келадиган ихтисослар бўйича ўқишга кириш учун ариза берганларидагина қўлланилади.

Ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларида олган баллар миқдори бўйича ўтказиладиган умумий танлов асосида қабул қилинадилар.

Заҳирага бўшатилган ва ҳукумат томонидан тайинланган имтиёзлардан фойдаланувчи, ҳарбий хизматчилар; етим ва қаровчисиз қолган болалар, саломатлигига кўра қишлоқ хўжалик институтида ўқиш тиббий комиссия томонидан man этилмаган 1 ва 11 гуруҳ ногиронлари — кириш имтиҳонларини ижобий баҳоларга топширганлари тақдирда, институтга танловсиз қабул қилинадилар.

Институтга кирувчилар ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асли, соғлиги ҳақида 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3x4 см. ўлчамли 6 та фотосурат (бош кийимсиз), меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма (меҳнат фаолияти борлар учун), паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади. Талабалар сафига қабул қилиш 22 августгача муддат ичида ўтади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 711520, Андижон вилояти, Андижон кўчаси, Куйган—Ер қишлоғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамасининг рухсатига биноан қурилиш саноати вазирлигининг корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамма маҳсулотлар 1992 йил 12 майдан эътиборан купонсиз сотилади.

Булар: цемент ,қурилиш гипси, шифер, линолеум, ғишт, пластмасса маҳсулотлари, унитазлар, умивальниклар, эмалли чўян ванналар, мойкалар, раковиналар, кошинли плиткалар, метлах плиткалари, сопол буюмлар, шиша буюмлар, мармар ва гранит плиталар, рубероид, қум, шағал, мармар ушоғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари. Савдо Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Қўқон, Андижон, Ульянов, Тўй Тепа шаҳарларида жойлашган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-сонли «Комфорт» фирма дўконларида амалга оширилади.

Хуш келибсиз!

Ўзбекистон Республикаси қурилиш саноати вазирлигининг ишчилар таъминоти ва фирма савдоси ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси.

БИККС

Агарда Сиз нозиктаъб, диди баланд, сердавлат соҳиб бўлсангизу идорангиз ёки хизмат бинонгиз таъмирталаб бўлиб қолган бўлса, — демак Сиз бизга мижоз эксансиз!

"БИККС" ассоциацияси инсоф доирасидаги ҳақ эвазига бинонинг қулай ва шинамлигини таъминлашни ҳамда хоналарнинг бетакрор ички жиҳозланишини ўз зиммасига олади.

ФАҚАТ "БИККС" ГИНА СИЗЛАРНИ ТЎЛИҚ ЖАМЛАНГАН ТЕРМА ҲОЛИДАГИ ҚУЙИДАГИ МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗЛАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ (АЙТИЛГАН ЖОЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ВА ЎРНАТИШ БИЛАН) БИЛАН ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИ:

турли хил ранггa бўялган алюминийдан ясалган осма шифтар;
ранги, ўлчамлари ва услуби жиҳатидан ҳар хил, фақат юксак сифатию бирмунча арзон нархи умумий бўлган девор панеллари;
пол учун чет элда ишланган қоплама;
умумий ансамблга бетакрор майин ёруғлик самарасини бахш этувчи ўзигахос ёритгичлар.

Ҳурматли мижозларимизга шошилинг хизмат жойингизнинг бетакрор жиҳозланганлиги бетакрор иш услубининг гаровидир.

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХОНА - АЪЛО КАЙФИЯТ - АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР!

Манзилимиз: 7000146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. "АЛИНА" кичик жорий этиш корхонаси.
Тошкентдаги телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси жамоаси Қорақалпоғистон телекўрсатув ва радиоэшитириш Давлат қўмитаси бош муҳаррири

Жўлдасбой ПОЛВОННИЕЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги коллегияси ва меҳнат жамоаси М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг директори М. М. Муротовга падари бузруквори

Мўминжон МУРОТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• 18, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Инжиқ Мурод». Мультфильм. 18.20 «Қуёш қўшиғи». Болалар учун концерт. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ҳуқуқий давлат сари». 19.40 «Маърифат масканлари». Халқаро музейлар кунига бағишланади. 20.15 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм. 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурдоналари». 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Узингни эр билсанг». 21.05 «Даврамизга марҳабо». 21.45 «Лаҳза». Хабарлар. 21.55 «Интеграл». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.00 «Янги авлод танлайди». 8.55 «Инсон, денгиз каби». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 10.15 «Малахит» рус халқ оркестри ижро этади (Челябинск).

11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Бу бўлган, бўлганди.». 14.40 «От, милтиқ ва эркин шамол». Телевизион бадиий фильм. 15.45 Болалар мусиқий клуби. 16.30 НЭП.

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Футбол шарҳи. 17.55 Мультфильм. 18.10 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Маргабет Буркуайт». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Халқ куйлари. 20.40 Янги студия таништиради: «Вазият», «АТВ-брокер», «Акс-садо», «Джемсейшн».

• 19, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Ака-ука Иброҳимовлар куйлайди». 7.55 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм. 9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Турли нигоҳлар», «Хўтикча бўлган экан». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Инсон ва қонун» почтасидан. 19.55 Спортлото. 20.00 «Ёзувчи ва замон». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм. 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Фильм-концерт. 18.45 «Ҳар доим бўлсин қуёш». 19.20 «Мусиқий меҳмонхона». 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.30 Реклама. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.00 Болалар мусиқий клуби. 8.45 «Инсон, денгиз каби». Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 10.05 «Жанубий Африка Республикаси; ғалаба ва ҳамкорлик сари машаққатли йўл». Ҳужжатли фильм премьераси. 10.30 Футбол шарҳи.

11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Доминикада ажралишлар қандай бошланди?». 11.35 Ритмик гимнастика.

* * *

13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Спорт ва бошқа нарсалар ҳақида». К. Ваншенкин. 14.45 «Арафа». Телевизион бадиий фильм. 1-серия «Елена». 16.00 «Останкино» телекомпанияси. «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Уйқудаги тош». Мультфильм. 1—2 сериялар.

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Халқ куйлари. 17.40 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Леди Гамильтон». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Эспаньола» ансамбли чалади. 20.40 «Мавзу». 21.20 «Фармата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 21.50 «Хореографик композициялар». Балетмейстер К. Голейзовский. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Лимпопо».

• 20, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Дилрабо концерт. 8.15 «Пушаймон». Бадиий фильм. 9.30 Араб тили. 10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.40 «Оила».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Болалар учун. «Боғчамизнинг бағрида». 18.35 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ўтмиш ва келажак». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари». 19.40 «Сиҳат-саломатлик». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Фармон ва ижро». 21.30 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 7-қисм. 22.50 «Умр ўтмоқдадур». Тўра Сулаймон. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Олтин бошоқ». Ҳужжатли фильм. 11.10 «Халқ куйларини қалбингда асра». «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Реклама. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.00 «Биз ҳаммамиз тентак». Е. Петросян иштирокида эстрада спектакли. 9.55 «Очиқ эшиклар шаҳри». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 10.35 Камчатка камер оркестри ижро этади.

11.00 Янгиликлар.

13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Хамелеон». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Литва телевидениеси). 16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Уйқудаги тош». Мультфильм 3—4-сериялар. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Танҳо». Мультфильм. 17.30 «Ўн олти ёшгача ва ундан катталар»... 18.10 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Гувоҳ нигоҳи билан»). Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Атоқли олим ва жамоат арбоби академик А. Д. Сахаров ҳақида бадиий публицистик фильм премьераси. 21.20 «Останкино». хит-паради. 22.35 Катталар учун мультфильмлар. 22.55 Кўрсатувлар тартиби.

23.00 Янгиликлар. 23.35 «Эфирда мусиқа». 00.20 Кикбоксинг.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

18 – 24 май

Фильм концерт. 11.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч оғаини ботирлар». 12.40 «Арслоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўпламаси. 19.20 «Спринт». 19.40 «Қизиқарли учрашувлар». 20.40 «Ишбилармонлар». 21.30 А. Адан. «Жизель». II-кўриниш. 22.20 «02» тўлқинида.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.20 «Қирол бодринг йўқолсин». Болалар учун телевизион спектакль. 9.40 «Иркутск лавҳалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 10.00 Олег Майзенберг концерти (Австрия).

11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Сурат». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.45 «Арафа». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. «Инсаров». 16.00 Рок-макс. «Нефворт—90».

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Фил билан юриш». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 17.35 «Қора кути». 18.15 «Максима». 18.45 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Кўзи ожиз уч сичқон». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар.

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Биз ҳаммамиз тентак». Е. Петросян иштирокида эстрада спектакли. 22.15 Беш плюс.

23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 Моторлар оламида. 00.10 Пляжга оид волейбол бўйича Халқаро турнир.

• 21, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Яш мусиқий театри яккахонлари Самида Холматова ва Ҳамидулла Матхолиқовлар концерти. 7.50 «Икки соҳил». Бадиий фильм. 9.05 «Турк тили». 9.35 «Хўжа Насриддиннинг 41 пашшаси». Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 10.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кичик дўстларнинг саргузаштлари». Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Мерос». Бобораҳим Машраб. Шоир таваллудининг 350 йиллигига. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 «Мерос». Бобораҳим Машраб кўрсатувининг давоми. 22.20 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 8-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Адиба Шарипова чалади». Фильм-концерт. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учқун». 11.50 «Арслоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бутун ҳаёт давомида». Телефильм. 18.50 «Билим сарчашмаси». 19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Л. Михайлова ҳузурида. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Реклама. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.00 «Биз ҳаммамиз тентак». Е. Петросян иштирокида эстрада спектакли. 9.55 «Очиқ эшиклар шаҳри». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 10.35 Камчатка камер оркестри ижро этади.

11.00 Янгиликлар.

13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Хамелеон». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Литва телевидениеси). 16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Уйқудаги тош». Мультфильм 3—4-сериялар. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Танҳо». Мультфильмлар. 17.30 «Ўн олти ёшгача ва ундан катталар»... 18.10 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Ўрмондаги соялар». Илмий-оммабоп фильм. 13.15 «Ён дафтар». 13.20 «Бриджж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Саҳнанинг орқа томонида. Табассум билан». К. Лучко. 14.45 «Хамелеон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.50 Ҳужжатли фильм. 16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Уйқудаги тош». Мультфильм. 5—6 сериялар.

17.00 Янгиликлар. 17.20 «Инсон ва қонун». 18.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. 18.50 «ВИД» таништиради. «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Ҳужжатли фильм. 20.40 «ВИД» таништиради. Танаффус пайтида (23.00).—Янгиликлар. 00.30 «Тунги эфирда тонг юлдузи».

• 22, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Тошкент вилояти Бекобод тумани «Зафар» ансамблининг концерти. 7.50 «Оналар ва қизлар». Бадиий фильм. 9.30 «Бойчечак» куйлаганда. 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ёшлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Замин саховати». 19.45 «Ёднома». Зиё Саид. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Қарши гулдастаси». Мусиқий кўрсатув. 21.55 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 9-қисм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильм. 8.05 Болалар учун фильм. «Неваралар учун қўшиқлар» («Грузия-фильм»). 9.15 «Ўн олти ёшгача ва ундан катталар...» 9.55 «Ҳайём рубоийлари». Фильм-балет («Тожикфильм»). (Малика Собированинг 50 йиллигига).

11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.15 «Уголок России» чолғу ансамбли чалади. 12.30 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Ўрмондаги соялар». Илмий-оммабоп фильм. 13.15 «Ён дафтар». 13.20 «Бриджж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Саҳнанинг орқа томонида. Табассум билан». К. Лучко. 14.45 «Хамелеон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.50 Ҳужжатли фильм. 16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Уйқудаги тош». Мультфильм. 5—6 сериялар.

17.00 Янгиликлар. 17.20 «Инсон ва қонун». 18.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. 18.50 «ВИД» таништиради. «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Ҳужжатли фильм. 20.40 «ВИД» таништиради. Танаффус пайтида (23.00).—Янгиликлар. 00.30 «Тунги эфирда тонг юлдузи».

• 23, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Чет эллик қиз». Бадиий фильм. 9.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим — жон қўшиғим». 10.10 «Бунёдкор». 10.45 «Маданий меросимиз — умумхалқ бойлигимиз». Кинокўрсатув. 11.45 «Қалбдан тасаввур этамиз». Телефильм. 12.25 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Дийдор» (қозоқ тилида). 13.10 Уста Олим Комилов хотирасига бағишлаб ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ёш доирачилар танлови ғолибларининг концерти.

18.00 «Болалик чоғларимда». Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 19.40 Ўзбекистон Халқ артисти Отажон Ҳудойшукуровнинг янги қўшиқлари. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Тижорат хабарлари. 21.05 «Кино ва киноҳақиқат». 22.15 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 10-қисм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

9.00 «Келинг, дўстлашайлик», «Дадавой ва будильник». Мультфильмлар. 9.20 «Мақом». Фильм-концерт. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 10.20 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

6.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильм. 7.50 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 8.20 Табобат. Сен учун. 9.00 «Марказ». 9.45 «Ҳамдўстлик». 11.00 Мусиқа антологияси. С. Рахманинов. Паганини мавзуига ёзилган рапсодия. 11.25 «Сиз бунга қодирсиз». 12.05 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. Ҳужжатли фильм.

13.00 Янгиликлар. 13.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.25 Муваффақият хоним. 14.25 «Қизил империя». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 7-фильм. 15.25 «Китобхона». 16.15 Гасо ижро этади. Дирижёр Е. Светланов. 16.20 «Қизил квадрат». 17.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Чакалакзорлар». Бадиий фильм. 18.45 «ТВ театри»

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Бедарак йўқолган». Бадиий фильм. 22.10 И. Кальман асарларидан концерт.

23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги.

• 24, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Сувҳидам». 8.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 9.00 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм. 10.40 «Сув — ҳаёт мезони». 11.25 «Халқ севган достонлар». 12.05 Тижорат канали: «Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Роҳат» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.35 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров ижодий кечаси.

17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Нефтчи» (Фарғона). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Бильярд ўйини». 18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Мультипанорама». 19.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Телевизион миниатюралар театри. 22.00 «Қимматга тушган ҳаловат». Бадиий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»

6.00 Руҳни чиниқтириш. 7.00 Кўрсатувлар тартиби. 7.05 Ритмик гимнастика. 7.35 «Қизча ва фил». Мультфильм. 7.55 «Спортлото» тиражи. 8.05 «Эрта тонг билан». 8.45 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.15 Янги номлар. 9.50 «Узингга мадад бер». 10.30 «Ау амаки». Мультфильм. 10.55 Словян ёзуви ва маданияти байрами. Тантанали ибодат. 11.40 «Марафон—15». 12.30 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. (Мексика). 13.55 Кўрсатувлар тартиби.

* * *

14.00 Янгиликлар. 14.20 Саёҳатчилар клуби. 15.10 Болалар учун. «Ким бор ўша ерда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 15.30 «Уолт Дисней таништиради». 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 Панорама. 17.40 Кўрсатувлар тартиби. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Ким биз билан». 18.25 Телелоция. 18.40 Кимоно-Шоу. 19.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Чернов, Чернов...» Бадиий фильм. 21.00 Якунлар. 21.45 Шоир Борис Дубровиннга бағишланган тантанали кеча. 22.55 «Кўриқхона». Ҳужжатли фильм. 23.45 Славян маданияти ва ёзуви байрами. Кремль Съездлар саройидан тантанали концерт.

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди).

• МЕРОС •

X — XII асрларда Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари орасидан бир тизим тарихчи олимлар ҳам етишиб чиқдики, улар қолдирган илмий мерос ҳамон жаҳон халқлари тарихини, маънавияти-ю турмуш тарзини ўрганишда камёб манбалар сифатида асқотмоқда. Ана шундай забардаст олим, фавқулодда иқтидор, қомусий билим соҳиби Табарийдир.

ТАБАРИЙ САБОҚЛАРИ

Абужаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибни Язид Табарий 838 йили Табарон вилоятининг Омул шаҳрида зодагонлар оиласида дунёга келади. У она шаҳрида хусусий муаллимлардан таълим олади. Бўлажак олим 7 яшарлигида «Қуръон»ни тўла ёддан билади. Қадимги тарих, араб тили ва адабиётини ўрганиш билан жиддий шуғуллана бошлайди. Табарий 9 яшарлигида авлодидаги кексалар оғзидан пайғамбар ҳадисларию халқ ҳикмат, ривоятларини ёзиб ола бошлайди. Мадраса таҳсилидан сўнг турли ўлкалар бўйлаб саёҳатга чиқади: Бағдод, Шом, Басра, Рай шаҳарларида бўлади; даврнинг машҳур олимларию шайхларининг маърузаларини тинглайди, илмий мажлисларида иштирок этади.

Табарий қаерга бормасин, ноёб китобларни қидириб ўқийди, халқларнинг қадимги тарихи, маданияти, адабиётини ўрганади; ровий, ноқиллардан турли ривоят, воқеаларни ёзиб олади. 867 йили Мисрга келганида Табарий илм-адаб аҳли томонидан эътироф этилган олим даражасига етган эди. Кўп йиллик сафар орасида бир неча марта Омулга бориб қайтган Табарий Бағдодда муқим яшаб қолади. У бу ерда ҳуқуқшунослик мактабини очади. Мударрислик қилади. Айни пайтда олим кўҳна тарихий асарларни кўздан кечиради. Фиқҳ донишмандларидан пайғамбарлар тарихи, улар ҳақидаги риноятлар, ҳадисларни ёзиб олади. Чунончи, Муҳаммад бинни Ҳумайда ар-Розийдан ўн мингдан ортиқ ҳадис ёзиб олган.

Табарийнинг иқтидору тинимсиз изланишлари, кунига юзлаб саҳифа иш ёзиши, халқ оғзаки ижоди асарларини тўплашдаги жасорати ҳақида шогирдлари ибратомуз фикрларни ёзиб қолдирган. Табарий 923 йили Бағдодда вафот этган. У тарих, фиқҳ, ҳуқуқшунослик илми, бадеъ, тиб илмига доир асарлар ёзиб қолдирган. Аммо бизга қадар олимнинг «Тарих-арусул ва ал-мулук» («Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи»), 20 жилддан иборат «Китобу жомеъ-ул-баён фи тафсир-ил «Қуръон» (Қуръан тафсири баёни ҳақида китоб,) «Китоб ихтилоф ал-фуқаҳа» («Ҳуқуқшуносларнинг турли-туман қарашлари») сингари асарлари мукаммал сақланиб қолган. Машҳур арабшунос В. И. Беляевнинг таъкидлашича, Табарий тафсири ўзининг аниқ-ҳаққонийлигию бадиийлиги билан шу соҳа донишмандларини ҳайратга солган.

Табарийга оламшумул шуҳрат келтирган асари ўн уч жилддан иборат. «Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи» китобидир. Зеро, унда олим ўзигача ўтган тарихчилар асарларига, халқ нақллари ҳамда ўзи гувоҳ бўлган далиллар асосида Араб, Ажам, Каспий бўйи, Кавказ, Хуросону Мовароуннаҳр халқларининг энг қадимги даврлардан тортиб 915 йилгача бўлган тарихи ҳақида мукаммал маълумот берилади. «Тарихи Табарий»нинг биринчи жилди муқаддима ҳамда Яқин Шарқ халқларининг милоддан олдинги тарихи баёнига бағишланган; иккинчи жилди Эрон сосонийлари ҳукмронлиги тарихига, 3-5-жилдлари эса, Муҳаммад пайғамбар саргузашти, фаолияти ҳамда Абу Бакр, Умар, Усмон, Ҳайдар сингари халифалар ҳокимлиги, улар ўртасидаги ихтилофлар, халифалик ҳудудини кенгайтириш учун олиб борилган босқинчилик урушлари баёнига бағишланган бўлиб, воқеалар хронологик тарзда, изчил ҳикоя қилинган.

Асарнинг қолган қисми Уммавийлар ҳамда Аббосий халифалар сулолалари тарихи баёнидан иборат. Китобда Марв, Бахл, Хоразм, Суғд, Хутталиён, Хуросону Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари тарихига доир далиллар ҳам жуда кўп. Муаллиф арабларнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми, босқинчиларнинг бу ўлка шаҳарларида қилган хунрезликлари, маҳаллий халқларнинг ажнабий қонхўрларга қарши олиб борган ватанпарварлик курашларини ҳам анча жонли ҳикоя қилган; маздакийлар, бармакийлар ва Бобак қўзғолонлари сингари халқ ҳаракатлари жараёнини яхши ёритган.

«Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи» китобини 963 йили сомонийларнинг донишманд ва маърифатпарвар вазири Балъамий дарий-форсийга таржима қилиб, уни «Тарихи Табарий» деб атади. Таржима жараёнида Балъамий эроний халқлар ҳаётига оид баъзи лавҳаларни сомонийлар тарихини, ривоят ва қадимий достонларни китоб матнига ҳамроҳ қилган. Чунончи, форсий нусҳадаги «Баҳроми Чўбина» достони асл арабча қўлёзмаларда учрамайди. Шунинг учун китоб «Тарихи Балъамий» номи билан Эронда чоп этилган. Китоб турк, немис, инглиз, ўзбек (XIX асрда) тилларига таржима қилинган. Унинг баъзи боблари Н. А. Медников, А. Э. Шмидт, В. И. Беляевлар томонидан рус тилига ағдарилган, 1987 йили «Фан» нашриёти «Тарихи Табарий»дан сайланма қисмларни рус тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этди. «Тарихи Табарий» Муҳаммад Содиқ Қашқарий томонидан XVIII асрда уйғур тилига таржима қилинган. Мутаржим иш жараёнида асар таркибига «Мирнома», «Қиссасул-анбиё», «Равзат-ус-сафо», «Меъроднома», «Шоҳнома», сингари асарлардан воқеалар силсиласига қараб баъзи бир лавҳаларни илова қилган. Ана шу таржима асосида Ш. Зокирова ва М. Қутлуқовлар асарнинг «Яздигирднинг ўлдирилиши ва Хуросоннинг босиб олиниши воқеалари», «Қутайбанинг Мовароуннаҳрга ҳужуми» бўлимларини рус тилига ўгириб, «Ўрта ва Марказий Осиё тарихидан материаллар» («Фан». 1988) тўпламига киритганлар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. Аҳмедов «Ўзбекистон тарихининг манбалари» (1991) деган китобида ҳам Табарий ҳақида мухтасар маълумот берган.

«Тарихи Табарий»нинг дастхат нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе қўлёзмалар хазиналарида, Низомий номидаги педагогика институти Навоий ўқув музейида сақланмоқда.

Табарийга хос илм ўрганиш йўлидаги заҳматкашлик, фидойилик, халқ қадриятларига меҳр билан қараш, ўтмиш тарихини, оғзаки ижод асарларини, Қуръону ҳадисларни эъзозлаш, илмий изланишлар йўлидаги, мухолифлар билан баҳсу талашлар жараёнидаги саботу матонат барчага ибрат бўларлидир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори.

• *Муштарий таклифи*

ОЙ ОЙДЕК БЎЛСИН

Рўзномангизда Ўзбекистон Республикасининг янги давлат тамғаси лойиҳаси эълон қилинганлиги ва халқнинг фикр-мулоҳазаси сўралгани айни демократик муддаодир. Энди икки тасвирдан бирини танлаб олиш мумкин. Чунки унинг икки варианти ҳам яхши, гўзал ва сипо ишланган.

Лекин бир мулоҳаза бор. Биринчи вариантда Ой нотўғри қўйилган. Чунки янги Ой чиқишини кузатган бўлсангиз, у ўнги билан туғилади. Гербнинг биринчи нусхасида эса Ой орқасини ўгириб турибди. Бу ҳолат халқимиз орасида эл, юртга тинчлик эмас, аксинча нотинчлик келишининг тасвири ёки ислом уламоларининг айтишича, бу кўриниш қиёматқоимнинг тезлашишини билдирар экан.

Шунинг учун Ойни ўз туғилиши қоидаси бўйича олдига қаратиб, ётиқ ҳолатда эмас, тик турган ҳолатда жойлаштирилса мустақил Ўзбекистоннинг осойишта ва тинч бўлишини истаган бўламиз.

Зайнутдин ХОЖИ Фахриддин ўғли,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги.

ТУРУНГ

• *БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ*

КЕЛИННИ ҚАЕРГА ТУШИРАМИЗ?

Биз Тошкент шаҳрининг Шайхонтаҳур (собиқ Октябрь) туманидаги Адҳам Раҳмат (собиқ Радикальний) кўчаси 1-уй-жойлардан фойдаланиш идорасига қарашли 6-уйда яшаймиз. Уй бундан 65 йил муқаддам қурилган. Хоналар ичи таъмирланиб турилган. Бироқ унинг тунука билан қопланган томи ҳанузгача ўзгартирилмаган. Ёғингарчилик пайтида уймиз чаккахонага айланиб қолади. Жон бошига ҳисобланганда ҳар бир кишига беш квадрат-метрдан ҳам кам жой тўғри келадиган бу уйдаги аҳвол чаккадан кейин қандай бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Аниқроқ қилиб айтганда, 55 квадрат-метрли саҳнда ўн бир жон, яъни, тўрт оила истиқомат қиламиз. Фарзандларимиз балоғат ёшига етиб турибди. Келинни қаерга туширишга бошимиз гаранг.

Яшаш шароитимизни яхшилаб беришларини сўраб, бир неча йилдан бери 1-уй—жойлардан фойдаланиш идорасига, туман ҳокимиятига ариза билан мурожаат қиламиз. Лекин амалий ишдан дарак йўқ. Ёзма аризаларимизга ҳам жавоб ололмадик.

Ҳурматли газет таҳририяти, юқоридаги муаммони ҳал қилиб беришда ёрдам берсангиз.

Ф. ТОҲИРОВ, У. МУРАТОВ, А. КОНДРАТЬЕВА, Н. БАТИКОВ, 6-уйда яшовчилар.
Тошкент шаҳри.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

МАРОҚЛИ СУҲБАТЛАР

Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳи халқаро тажрибаларга суяниб, замонавий менежмент ва маркетинг бўйича кадрлар тайёрлайди. Шу мақсадда олийгоҳ ва унинг кафедраларини чет эл фирмалари уюшмаси ва олий ўқув юртлари билан ижодий ва амалий алоқаси кенгайиб бормоқда.

Олийгоҳда Анқара университетининг профессори, Оксфорт ва Гарват дорилфунунларининг фахрий доктори, 80-йилларда Туркиянинг иқтисодий ва сиёсий дастурини ишлаб чиққан иқтисодчи ва сиёсатшунослар гуруҳларининг раҳбари Айдин Ялчин Туркиянинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши ҳақидаги суҳбатлар қилди. Олим Туркиянинг бозор иқтисодиётига ўтиши давридаги тажрибалари ҳақида гапирди. Мамлакатнинг ҳозирги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг аниқ натижаларини шарҳлаб берди.

Туркиялик меҳмон Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб, бозор иитисодиётига ўтиш муносабатлари орқали ривожланмоқчи бўлса, Туркия моделининг аниқ йўлларини ўрганиб чиқиши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун социал-иқтисодий ривожланиш тажрибасини халқаро илмий симпозиумлар, семинарлар ёрдамида ўрганиш керак.

Айдин Ялчин билан биргаликда олийгоҳда Туркиянинг «Миллият» рўзномаси муҳаррири Нилуфар хоним ҳам бўлиб, у Туркиядаги рўзномаларнинг демократик йўналишлари ҳақида гапирди. Шунингдек, олийгоҳ талабалари Истамбул дорилфунуни профессори Невзод Елчинтош, Дочан Коргул, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодиёт муносабатларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчи Суат Байдошларнинг суҳбатини тинглашди.

Олимлар Туркиянинг социал-иқтисодий тараққиёти Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатлари муаммолари, Ўзбекистонда банклар, солиқлар, валюта, муносабатлари, молия ва бошқа муносабатларни ўрганиш лозимлиги ҳақида ҳам гапириб ўтишди.

М. ҲАСАНОВА,
тарих фанлари номзоди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Шаҳрисабз ипакчилик фабрикаси илғор ишчилари С. Дўсмуродова, Ҳ. Аҳмерова, Р. Ҳусанова ва Ф. Жабборовалар ишдан сўнг биргалашиб ҳордиқ чиқаришни ёқтиришади.
Сураткаш В. МОЛГАЧЕВ.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасиға ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш — баҳоси сўм — баҳоси сўм — обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Ҳурматли муштарийлар!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

• *ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР*

ЎҚИТУВЧИ, ЎҚУВЧИ ВА МАКТАБ

Ўттиз тўрт йилдан буён муаллимлик қиламан. Отам, онам ҳам муаллим бўлишган. Катта қизим, укам, келиним ҳам муаллим. Жамиятимизда юз бераётган воқеалар мактабга ҳам таъсирини кўрсатмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, умумий мажбурий ўрта таълим тизими ҳозирги кун талабига жавоб бермай қолди. Мажбурий таълим бир вақтлар зарур эди. Энди у ўз вазифасини бажариб бўлди. Менингча, ўрта мактаблар сонини кескин камайтириб, унинг сифатини ошириш зарур. Биргина бизнинг кичкина қишлоғимизда иккита ўрта, битта тўлиқсиз ўрта мактаб бор. Ўқишга лаёқати бори ҳам, лаёқати йўғи ҳам, ўқишга қизиқадигани-қизиқмайдигани ҳам ўрта мактабда ўқиб, уни «битирмоқда». Аслида кўпчилик ўқувчилар мактабни эмас, балки мактаблар уларни битирмоқда.

Ҳозир барча мактабларда куни узайтирилган гуруҳлар мавжуд. Уларга давлатнинг катта маблағи сарфланмоқда. Аммо булардан кутилган натижалар бўлмаётир, Аксинча зарар бўлаётир. Чунончи, районимиздаги мавжуд 27 та умумий таълим мактабларидан 4—5 тасида куни узайтирилган гуруҳлар учун шарт-шароит бор холос. Қолганларида мутлақо шароит йўқ. Аслида куни узайтирилган гуруҳларда болалар ўйнаб, маданий дам олишлари, ухлаб-ҳордиқ чиқаришлари лозим. Аммо шароит йўқлигидан болалар эртадан-кечгача мактаб ҳовлисида санқиб юришга мажбур. Улар уйларига ҳориб чарчаб, ҳолдан тойиб бормоқдалар. Айни вақтда ўқишдан ҳафсаласи пир бўлмоқдалар. Демоқчиманки, куни узайтирилган гуруҳлар шароити бор, имконияти бор жойларда ташкил қилинсин. Шароити, имконияти йўқ жойларда эса ҳожати йўқ. Ёки аввал шароит яратиш керак, сўнг уни ташкил этиш лозим.

Мактабларнинг обрўйини кўтариш учун ўқувчиларнинг касб танлашига эътиборни кучайтириш зарур. Ҳозир бу соҳа амалда эътибордан четда қолмоқда.

Чунончи, қишлоғимиздаги Низомий номли 3-ўрта мактабни ўтган ўқув йилида 48 нафар ўқувчи тамомлади. Улардан тўрт нафари «кумуш» медаль олишга сазовор бўлди. Битирувчилардан уч нафари институтга, тўрт нафари техникумга, уч нафари ҳунар-техника билим юртига жойлашди. Шу сабабли аҳоли ўртасида «ўқиб нима бўлар эдинг» деган киноялі гапсўз кўпайган. Бу ҳам ёшларда ўқишга бўлган иштиёқни сўндирмоқда.

Шунинг учун мактабларда касб танлашга эътиборни чинакамига кучайтириш лозим. Бунинг учун, энг аввало, синф раҳбарларига тўланадиган ҳақни камида икки юз сўмга кўтариш лозим. (Ҳозир синф раҳбарларига 30 сўм тўланади). Синф раҳбари ўз ўқувчиларининг касб танлаши билан доимий шуғулланиши лозим.

Касб танлашда мактабларда ташкил этиладиган тўгаракларнинг роли оширилиб, бутунлай янгилик жорий этилиши лозим. Ҳозирги вақтда тўгараклар асосан бепул. (2—3 та тўгаракни ҳисобга олмаганда, пуллилар ҳам 20—30 сўмдан ошмайди). Шу сабабли бу тўгаракларни чинакам иш олиб борувчи тўгараклар деб бўлмайди.

Шунинг учун тўгаракларнинг ҳар бирига камида юз сўмдан ҳақ тўлашса, унга ўқувчиларнинг қизиқиши ҳамда қобилиятига қараб қабул қилиш керак.

Чунончи, «Ёш тиббиётчи» тўгараги ташкил этилса, унга шифокор раҳбарлик қилса, шу тўгаракда энг камида уч йил шуғулланган еттинчи синфни битирувчи тиббиёт билим юртига, ўнинчи синфни битирувчи тиббиёт олий илмгоҳига юборилса. Ёки «Ўсмир ва қонун» тўгарагига ҳуқуқшунос ёки милиция ходими раҳбарлик қилса. Унда иштирок этган фаол ўқувчи ҳуқуқшунослик олий илмгоҳига ёки милиция мактабига юборилса.

Менимча, мактаблардаги тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, кашшофлар етакчиси (бош пионер вожатий) каби лавозимларга ҳожат йўқ. Бу штатлар қисқартирилиб, уларнинг маоши синф раҳбарлари ва тўгарак раҳбарларига берилса.

Таълим-тарбия жараёнини тубдан яхшилаш омилларидан яна бири ўқитувчиларнинг, ҳуқуқларини кенгайтириш, ота-оналарнинг масъулиятини янада оширишдан иборат. Маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари, ота-оналар ишлайдиган корхона ва муассасалар ҳар ўқув йилида бир марта ота-онанинг бола тарбиясидаги ўрнини ўрганиб, муҳокама қилиб турсалар уларнинг бола тарбияси олдидаги масъулиятлари ортган бўлур эди.

Ўқитувчи мактабда бош фигура ҳисобланади. Аммо шуни рўйи-рост айтиш керакки, ўқитувчи ҳозирча дарс беришдан, тарбиявий иш олиб боришдан, турли қоғозларни тўлдиришдан, халқ таълими бўлими олдида жавоб беришдан бошқа айтарли ҳуқуқи йўқ.

Ўқитувчини моддий жиҳатдан таъминлаш унинг обрўйига, ўз ишига нисбатан масъулиятига, албатта, таъсир қилади. Ўқитувчиларни тоифаларга ажратиб ҳақ тўлаш замон талаби. Аммо тоифани белгилашда иш стажи, маълумотини ҳисобга олмаслик жиддий хато бўлади. Бу нарса текисчиликни келтириб чиқаради. Текисчилик эса ижодий изланишни, ўз малакасини ошириб боришга интилишини, касбга садоқатини бўғиб қўяди. Бу таълим-тарбияда оғир оқибатларга олиб келади. Шу сабабли тоифа тўғрисидаги низом талабларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Умуман, мактаб биринчи даражали давлат аҳамиятига эга ишга айланиши керак. Мактаб соҳасидаги ислоҳотларни тезлик билан амалга ошириш зарур.

Каримжон ҲАКИМОВ,
Андижон вилояти. Хўжаобод районидаги У. Юсупов номли 22-мактабнинг олий тоифали тарих муаллими.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 97.

индекс 64583.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.